2003 YIL 7 FEVRAL, JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№18 (6.543). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

НАЗМ



ОЛАМИНИНГ МАНГУ СУЛТОНИ (1-4-саҳифаларда)

ОЗОРЛАРИ КЎПДИР СЕВГИНИНГ



(4-саҳифада)



МАНЗИЛИ ЙЎҚ УЛОВЛАР (1-2-саҳифаларда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноби олийлари,

Саудия Арабистонидаги барча ўзбек ватандошлар номидан муборак таваллуд кунингиз, муҳтарам 65 ёшингиз билан табриклаймиз.

Сизга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, оилангизга осойишталик, Ватан равнақи йўлидаги хайрли фаолиятингизда баракотлар тилаймиз.

Муборак ҳадиси шарифларда айтилишича, Аллоҳ кишига қанчалик улуғ ёш ато этса, унга шунча кўп ўз неъматларини ёғдиради. Умрингиз узоқ ва Аллоҳ неъматларига тўла бўлсин.

Эҳтиром ила,

**Сафохон Саид Жалолхон тўра Марғилоний**
**Абдулхамид Махсум**
**Миллибек Исхоқбек Тошкандий**
**Ахмад Али Тўлқин**
**Абдураҳмон Абдуқаҳҳор хўжа Туркистоний**
**Тўрахон Саид Жалолхон**
**Аъзамхон Саид Жалолхон**
**Файзулло Махсум**
**Мўминжон Исмоилжон ўғли**
**Олимжон Исмоилжон ўғли**
**Мусохон Саид Умрон**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ
## ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам -Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. 2003 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 11 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 11 февраль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 февраль



**Сирдарё вилоятидаги "Малик" уруғчилик корхонасида бу йил 4 минг тонна уруғлик чигит тайёрланиши режалаштирилган. Шу кунгача тайёрланган уруғлик миқдори 1200 тоннадан ошиб кетди. Корхонанинг хориждан келтирилган "ПЕТКУС" номли замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, ҳар бир ишчи ўз вазифаси масъулиятини яхши англаб самарали меҳнат қилаётганлиги боис уруғлик чигит сифати юқори бўлмоқда. Шундан бўлса керак, "Малик"нинг мижозлари тобора кўпаймоқда.**

**СУРАТДА: лаборатория ходимлари Рашида Фахритдинова ва Азим Равшановлар уруғлик чигит сифатини текширмоқдалар.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## "НАВОИЙНИ СЕВИНГИЗ ЖОНДАН!.."

**Дўстларим, бир сирни этайин оғоз:**
**Дунёни англамоқ эмаскан мушкул.**
**Барча тилсимотлар очар экан юз,**
**Ҳазрат Навоийга ким қўйса кўнгул.**
**Ҳазрат Навоийга ким қўйса кўнгул,**
**Демакким, ошно у ҳақ-ҳақиқатга.**
**Унинг қалб боғида сайрайди булбул,**
**У мангу содиқдир дин-диёнатга.**
**У мангу содиқдир дин-диёнатга,**
**Ҳамиша тариқат гулобин ичгай.**
**Бағрини кенг очиб самимиятга,**
**Тафаккур дурларин ҳовучлаб сочгай.**
**Тафаккур дурларин ҳовучлаб сочгай,**
**Ки илм – бамисли шафақ ёғдуси.**
**Ким уни симирса, дарёдай тошгай,**
**Хаёлин уфқида юлдуз балқгуси.**
**Хаёлин уфқида юлдуз балқгуси,**
**Тоғларни Фарҳоддай этар чил парчин.**
**Ишқ шоҳи – Мажнунни дўст-ёр билгуси,**
**Магарам араб у ёки аҳли Чин.**
**Магарам араб у ёки аҳли Чин,**
**Бағрига босганча: сен – қардошим, дер.**
**Ўргилай ўзингдан, эй кўҳна очун,**
**Эй азиз она-Ер, сен – дардкашим, дер.**
**Эй азиз она-Ер, сен – дардкашим, дер,**
**Айтар: Навоийни севингиз жондан!**
**Одамлар, ўзингиз – қалб қуёшим, дер,**
**Ва у айрилмагай асло Иймондан!..**

**Тошпўлат АҲМАД**




● **Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида «Реклама тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг Андижон вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.**

● **Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда қўмита аъзолари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

● **Самарқанддаги «СамКочавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автобуслар Оҳангарон йўлларида ҳам қатнай бошлади.**

● **«Экосан» халқаро жамғармасида Обод маҳалла йилига бағишланган «Маҳалла ободлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. «Экосан маҳаллада» дастури доирасида ўтказилган тадбирда тегишли вазирлик, идора, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

● **Республика «Оила» илмий-амалий марказида соғлом оилани шакллантириш, репродуктив саломатлик муаммоларини ечишда маҳалланинг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

● **Пахтаобод туман прокуратураси ташаббуси билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари биргаликда маҳаллалар ва уларда яшайдиган ҳар бир оилани паспортлаштиришни ниҳоясига етказди.**

● **"Андижон ринг" бокс клуби ташаббуси билан Андижон шаҳар Темир йўлчилар клубида профессионал боксчилар тўгараги очилди.**

● **Бухородаги "Моҳи Хосса" болалар санаторийя даволаш муассасига АҚШнинг "PHYSICANS WITH HEART" халқаро ташкилоти томонидан гигиеник маҳсулотлари совға қилинди.**

ИФТИХОР

# МЕН ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМАН!

***Мен ўзбек ўғлониман. Ватаним – Ўзбекистон. Шу ерда дунёга келдим, шу заминга киндик қоним тўкилди. Унинг қаймоқдай ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирдим, жаннатий неъматларидан баҳра олиб ўсдим. Шу замин, шу юрт мени камолга етказди.***

Мен бахтли инсонман! Ақлимни таний бошлаган чоғларим Ватаним мустақилликка эришди. Озод юртнинг озод фарзанди бўлдим. Энг муҳими, баъзи давлатлардаги тенгдошларим уруш ва қон ичида, очарчиликдан азият чекиб яшаётган бир дамда, мен кенг ва ёруғ синфхоналарда ширинсўз муаллимлар-у оқил устозлардан сабоқ олиб катта бўлдим. Кечалари тинч ухладим, кундузлари бехавотир яшадим. Ёзда қир-адирларда дўстларим билан қийқириб тўп тепган бўлсам, қишда яйраб қорбўрон ўйнадим. Дунёдаги неча миллион мен тенги болалар совуқдан дийдираб, муз қотган чоғда, биз қувнаб, қаҳқаҳа отиб қорбобо ясадик. Баҳорда осмонни варракларимиз босиб кетарди. У тинчлик кабутари бўлиб чарх урарди гўё... Зеро, ана шу кунларда бошқа осмонлар қора калхат каби айланиб учаётган "ўлим шарпалари" билан тўлиб-тошарди.

Африканинг марказий қисмида туғилган гўдак ҳам уруш офатидан бебаҳра эмасди. Афғоннинг шўрпешона боласини қўйинг, ёнгинамизда истиқомат этувчи тожик фарзанди бундан ўн йиллар муқаддам фуқаролик урушида отасидан, онасидан, азиз инсонларидан жудо бўлмаганмиди?! Шу туфайли бугун унинг кўнгли ярим эмас, дея айта оласизми баралла... Айни шу кунлари мен илк бор юртим мустақиллигини байрам қилгандим. Ватаним осмонида мушаклар порлаган, само ёришиб кетганди унинг нуридан. Бу бахтнинг нишонаси эди-да, асли...

Баъзан савол бериб қолишади: "Сен мустақиллик деганда нимани тушунасан?!". Жавоб қайтараман, "Тенгликни, озодликни, ўз сўзимни дадил айта олишни, бировдан кам бўлмасликни...". Яна сўрашади: "Илк бор қачон ҳис қилгансан мустақилликни?.." Жавоб бераман: "Кимга қандайдир-у, аммо мен Мустақилликни чинакамига илк бор 1994 йили Хиросимадаги Осиё ўйинларида бизнинг футболчиларимиз ярим финал баҳсларида Жанубий Корея миллий терма жамоаси устидан кичик ҳисобда ғалаба қозонганида ҳис қилган эдим... Ана ўшанда англагандим бировдан кам эмаслигимни..."



Бугун Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарувчи 28 давлатнинг бири ҳисобланади. Юртимизда само шунқорлари – пўлатқанот самолётларнинг ишлаб чиқарилиши ҳам бор гап. Ўзбекистон белгиси билан четга ўз пахтамиз, пилламиз ва тилламизни экспорт қилмоқдамиз. Чет эл технологиялари билан жиҳозланган замонавий қўшма корхоналарнинг сони кундан-кунга ортиб бораётир.

Ўзбек спортчиларининг ҳам шон-шуҳрати, овозаси оламни тутган. Юқорида айтиб ўтганим, Хиросимадаги XII Осиё ўйинлари, 2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтган ёзги олимпиада ўйинларида қўлга киритилган ютуқлар дунё бизни тан олишида яна бир восита бўлди. Бугун дунёнинг ҳеч бир давлати спортчиси ўзбек боксчиси билан юзма-юз келишни ҳавас қилмайди. Ўзбек кураши эса қисқа муддат ичида жаҳонда ўз ўрнини топа олди.

Таълим тизимига нигоҳ ташлаймиз: 1997 йили Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганди. Шундан буён ўтган қисқа давр мобайнида бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Мен далил ва рақамларга мурожаат қилиб ўтирмайман, мисол ўрнида яқинда Америка Қўшма Штатларида таълим олиб қайтган дўстимнинг бир оғиз сўзини ҳавола қиламан.

-Американиклар, гарчи мутараққий этган ва унча-мунчага ҳайратланмайдиган юрт фуқаролари ҳисобланса ҳам, аммо биз – ўзбек ёшларининг интилишлари, ҳаракатчанлигига қойил қолишди. Ҳаттоки манаман деган олимлар ҳам ўзбек ёшларининг билимдонлигидан ҳайратланишди.

Унинг бу сўзлари бизнинг ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизга яна бир бор ишончимни мустаҳкамлади.

Мен ўзбек ўғлониман. Мен мустақил мамлакатнинг эркин фуқаросиман. Энг муҳими, бу заминда тинчлик ҳукм суради. Эртани бехавотир кутаман. Кўчаларда шодон қийқириб ўйнаётган болакайларга боқиб, пичирлайман:

-Сен ҳеч кимдан кам эмассан... Кам ҳам бўлмайсан... Сен мустақил юртнинг келажагисан!

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# АВТОБУСГА НЕГА КЎЗ ТЕГДИ?

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

***Бундан анча илгари, аниқроғи, 2001 йил 17 август куни "Қишлоқ ҳаёти" газетасида "Автобус меники, чиқақолинг" сарлавҳали мақола босилган эди.***

Унда автотранспортдаги ислоҳотларнинг самараси ҳаётий мисоллар, беқиёс ўзгаришлар, йўловчилар манфаати кўзланиб қўйилган дадил қадамлар мисолида асослаб берилганди. "Энг қувончлиси шуки, - дейилганди унда, - йўловчи автобус излаб сарсон бўлмайди, аксинча, автобус ҳайдовчиси "бизнинг автобусга минақолинг" деб йўловчи атрофида гирдикапалак бўлади. Қандай яхши, бунақаси ҳеч қачон бўлмаган!.. Яна шуниси қизиққи, йўлкирани ҳайдовчи эмас, йўловчининг ўзи белгилайди. Яъни, агар фалон сўмга олиб борсангиз, сизнинг машинанингизга минаман, деб шарт қўяди". Бу автотранспортда ислоҳотни амалга ошириш жараёнида рақобат кучайиб, хусусий сектор устун келганлигининг шарофати эди.

Албатта, бундай ижобий ўзгариш ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Ўшанда бунга Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 4 июндаги "Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони туртки берди. Фармонда автотранспортда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорти ташкилотлари ва корхоналарини кенг хусусийлаштириш, хусусий автомобиль ташувчилар фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозорида мулкчиликнинг барча шаклларидан автомобилда ташувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратиш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шунга кўра, ўшандаёқ хусусий автотранспорт воситаларида йўловчилар ва юк ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизми жорий этилиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг зарур шарт-шароитлари яратилди.

(Давоми 2-бетда)

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 562 ЙИЛЛИГИГА

# МАНБАШУНОСЛИКДА ҲАМ БЕНАЗИР ЭДИ

***Шарқ адабий манбашунослигида библиографияга кенг ўрин берилган. Турли даврларда яшаб ижод этган шоирларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот берувчи тазкиралар тузилган. Уларда ўша шоирларнинг асосий асарлари кўрсатиб ўтилган.***

Ўзбек тилида (у вақтларда туркий тил деб аталган) биринчи бор тазкира тузган олим Алишер Навоийдир. Унинг қаламига мансуб "Мажолисун-нафоис" ("Нафис йиғинлар") тазкирасининг қўлёзма нусхалари бизгача тўла етиб келган.

"Мажолисун-нафоис"да Навоий ўзигача ўтган ижодкорларга махсус бўлимларда тўхталади. Сўнгра эса ўзига замондош бўлган шоирлар ва фозиллар тўғрисида маълумот беради. Бу китобда ўзбек ва тожик тилларида шеър ёзган шоирлар баравар кўрсатилган. Навоий шоирларни қайси тилда ёзганига қараб ажратмайди. Бу истеъдодларнинг кўпи ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида шеър ёзганликлари инобатга олинса, бундай ёндашувнинг тўғри экани очиқ кўринади.

Навоий Котибий ижоди тўғрисида ёзади: "Мавлоно Котибий ўз замонининг беназири эди. Ва маснавийлари ҳам мисли "Тажнисот", "Баҳрайн", ("Икки баҳрли") ва "Зул қофиятайн" ("Икки қофияли") ва "Ҳусн ва ишқ" ва "Носир ва Мансур" ва "Баҳром ва Гуландом" бор. Аммо ғазалиёт ва қасоид девони машҳуррoқ ва яхшироқ воқеъ бўлибтур.

(Давоми 4-бетда)

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ҲУҚУҚ

***Халқимиз фаровонлигини ошириш иқтисодиётнинг тараққиёти билан боғлиқдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ўрта ва кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя этилишини таъминлаш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ривожланиш кафолатлари ҳисобланади.***

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасида юзага келаётган хўжалик низоларини ҳал этишда ушбу соҳани тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Ер тўғрисида"ги, "Деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Навоий вилоят хўжалик суди томонидан ўтган йили хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиққан низолар, корхоналарни банкрот деб эътироф этиш ва тугатишга доир ишлар ҳамда бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ишларнинг сони анча ўсди.

2002 йилда жами кўриб чиқилган ишлар сони 1414 тани, улардан ундирилган даъво маблағи 12 миллиард 135 миллион 927 минг сўмни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

ВАТАН СИЙРАТИ

# САНГАРДАК

***Сурхондарёда хушманзара, табиати гўзал ва бетакрор, замини шифобахш неъматларга бой гўшалар кўп.***

Уларнинг бири – Сангардак. Сангардакнинг таърифи турфа хил, "тош қайтарувчи" маъносини ҳам англатади. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда жойлашган бу қишлоққа олиб борадиган йўлнинг щундоқ чап томонида аввало Шарраи мозор зиёратгоҳига дуч келасиз. Тошлардан тошларга урилиб бамисоли шаршарадек оқиб тушадиган булоқ сувининг тиниқлиги, хуштаъмлиги ва ниҳоятда совуқлиги кишини лол этади. Баланд-баландлардан оқиб тушаётган сув ёзнинг энг жазирама иссиғида ҳам муздек бўлади, хўплашингиз билан тишингизни зирқиратиб юборади. Одамлар бу ерни муқаддас жой билиб, зиёрат қилиб турадилар.

Сангардакнинг об-ҳавоси ўзгарувчан. Қиши кўпам совуқ бўлмайди. Чунки дара Ҳисор тизма тоғлари билан ўралган. Айнан шунинг учун ҳам Сангардак заминида турфа мевалар, деҳқончилик маҳсулотлари серобдир. Чорва туёқ сонини, айниқса майда молларни кўпайтириш учун серўт яйловлар етарли. Бедачиликни ривожлантиришга шароити қулай.

Қишлоқ аҳли асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Сангардакнинг бепоён олмазорларида битадиган меванинг ҳар бири нимкосадай келади, десак муболаға бўлмас. Ширинлигини айтмайсизми... Сангардакда ёнғоқзорлар ҳам беҳисоб. Айрим йирик ва кўп йиллик дарахтлардан 400-500 килограммгача ҳосил олишади. Наъматак, мурут ва ўрикнинг ҳам ҳосили мўл бўлади.

(Давоми 3-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

"ТЕШИБ ЧИҚҚАН" МИЛЛИОНЛАР

ТАБАРРУК ҲАЙДАР БОБО

САИД АҲМАДНИНГ ТАНИШИ




## ПАРДА ШОИР ГЎШТ ОЛДИ...

***Парда Диёров шеър ёзмайди. Лекин шеърни қойиллатиб ўқийди. Шундан... "Парда шоир" деган ном олган. Қайси шоирдан сўрасангиз, сўрайверинг, ёддан ўқийди. Обрўйи зўр. "Парда шоир, тўрга ўтсинлар"да юради. Бундай бўлгач, қассобларга ҳам эркалик қилади-да...***

Маҳам қассоб "ичак узди" одам. Йўқ жойдан ҳам кулги топади. Лекин "Парда шоир" гўшт олгани келса, жим. Чалғитмайди. "Сайлаб олинг" дейди. Парда шоир шеърни тушунади, гўштни тушунмайди. Қўй гўшти билан эчки гўштини ҳозиргача ҳам ажратолмайди. Маҳам қассоб гоҳо ҳазиллашиб эчки гўштини қўйники, деб кўрсатади. Парда шоир "Ориқ қўй сўйибсан-да, Маҳам" деб тураверади. Бу сафар бошқача бўлди:

-Маҳам, тарозига гўштни ўзим қўяман, сен алдайсан, ичига кўрсатмай суяк тиқасан, - деди Парда шоир.

-Майли, майли, ўзингиз қўйинг, - деди Маҳам қассоб.

Парда шоир сайлаб-сайлаб тарозига 3 кило гўшт қўйди. Халтага солиб уйига жўнади. Гўштни хотинига берди. Бир пайт хотини жаврай кетди:

-Гўштни кимдан олдингиз? Ҳаммаси калла гўшт, ичак-чавоқ, буйрак-сайроқ... Бир парча тузук гўшти йўқ! Қассобларда инсоф қолмабди.

-Йўғ-е? Йўғ-а?! - ҳайрон қолди Парда шоир.

-Ҳа, - бурилди хотини, - мана, кўринг! Э-э?!

-Қассобни қарғама, бугун гўштни ўзим сайлаб олиб эдим... – мунғайди Парда шоир. Ва хаёлидан ўтди: "Маҳам қассоб билиб турган... Ҳозир устимдан роса кулиб, одамларга айтаётган бўлса keраг-ов... Эҳ... Эҳ..."

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## СИХ КУЙМАДИ, КАБОБ ҲАМ

***Вали сариқ сигирини сотадиган бўлди. Сигир семизгина, насли яхши, сути ҳам мойли, лекин бир кўзи кўрмасди. Бир қараганда сезилмасди-ю, бироқ жонивор юрганда, ўтлаганда билиниб қоларди.***

-Бир кўзлигини демаса, шундай жониворни арзон сотишга кўз қиймайди-да, - боши қотган Вали сариқ қўшниси Умрзоқ шумга ёрилди.

-Кўрлигини билишмайди, - хотиржам жавоб берди Умрзоқ.

-Йўғ-э, инсофдан бўлмас... ахир молни сотаётганда айбини айтиб сотиш керак-ку.

-Айтасан!

-Унда...

-Парво қилма! Сигирингни бозорга олиб чиқсанг, менга хабар бер. Ўзим сотишаман, - Умрзоқнинг бу далдаси Вали сариқнинг кўнглини кўтарди.

Ҳали уфқ оқармай бошланган мол бозорига Вали сариқ Умрзоқ ҳамроҳлигида сигирни етаклаб бордилар. Тезда харидор ҳам топила қолди. Қўшни қишлоқлик Ҳотам исмли йигит экан. Вали сариқ "Нима бўларкин?", деган хаёлда Умрзоқнинг оғзига қарарди. Умрзоқ эса "Бу зотдор сигир...", дея оғзи кўпириб мақтаркан, охирида қўшиб қўярди:

-Мана, кўр... Эътибор бер, кўр. Яхшилаб кўр. Олса арзийдиган сигир, кўр...

Харидор таранг қилиб ўтирмади. Айтилган пулни қуртдай санаб берди-да, сигирни етаклаб кетди.

Пешин маҳали Вали сариқнинг дарвозаси тақиллади. Очса, сигирни сотиб олган Ҳотам турибди.

-Сигирингиз кўр-ку... Отам "Шуниям эплолмадингми?", деб ҳайдаб солди, - Ҳотам важоҳат билан сигирнинг арқонини Вали сариққа узатди. Танг қолган Вали Умрзоқникига югурди.

-Молни сотаётганда, кўрлигини айтдим-ку, - Умрзоқнинг пинагини бузмай сўзлашидан Ҳотам ҳайратланди:

-Сотаётганда! "Мана кўр. Олса арзийдиган сигир... кўр", дедим-ку. Эсингдами?

Ҳотам ели чиққан пуфакдек бўшашиб қолди.

-Э-э, укам, бир кўзи кўр-у, мунча ваҳима қиласан. Ўзи зотдор бўлса, сути мойли бўлса... Ҳали барака топасан бу сигирдан, - Умрзоқ шундай дея Ҳотамнинг елкасини қоқиб қўйди.

Умрзоқнинг бу далдаси айни ҳақиқат эди.

**Фарида ИБРОҲИМОВА**

## МАНГУБЕРДИ КИМ БЎЛГАН?

***-Эшитдингизми, Жуманазарни ишдан бўшатишибди.***

***-Шундай ўз ишининг "устаси" бўлган одамни-я? Бирор камчилигини топишгандир-да.***

Бундай суҳбатлар Бўзқишлоқда тез-тез қулоққа чалинадиган бўлди. Узоқ йиллар туман маданият уйига бошчилик қилган одамнинг бирданига ишдан кетишига сабаб бўлган воқеа тезда "дув-дув" гапга айланди. Асли бу ҳам бир тасодиф-да. Бўлмаса, институтни сиртдан тугатиб, 30 йилдан буён вазифасини "аъло"га бажариб келаётган Жуманазар Қораев бирданига ишдан кетадими? Бу вақт ичида не-не текширувчилар келиб-кетмади. Ўзи неча бор "синов"дан ўтмади дейсиз? Тўғри, у кўпинча бундай пайтларда ташкилий ишларда бўлиб, "синов"дан аълога ўтарди. Бу гал кутилмаганда, текшириш марказий маданият уйидан бошлангани унга жабр бўлди. "Тадбирлар режаси" билан танишаётган текширувчининг кўзи "Жалолиддин Мангуберди – миллий қаҳрамонимиз" деган ёзувга тушиб, Қораевга савол берди:

-Айтинг-чи, Жалолиддин Мангуберди ким бўлган?

Директордан жавоб бўлавермагач, туман маданият ишлари бўлими мудири уни йўналтирган бўлиб:

-Мана, туманда унинг номига қўйилган хўжалик бор, - дейиши билан Жуманазар "сайрай" кетди:

-Жалолиддин отани ҳамма яхши билишади. У умр бўйи хўжаликка раислик қилган, депутат бўлган, "Меҳнат Қаҳрамони" эди...

-У ватанпарвар, босқинчиларга қарши курашган баҳодир, йирик саркарда бўлган, - мудир яна ёрдамга келмоқчи бўлди.

-Биламан, биламан, у урушда "герой" бўлган. Офицерлар мактабини битказиб, старший лейтенант званиясини олган. Фронтдан қайтиб, умрининг охиригача яна раислик қилган. Вафотидан сўнг...

-Кетдик, - дебди сабри чидамай текширувчи.

Мудир эса туманни "пазор қилган" директорни шу куниёқ ишдан бўшатган экан.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

(Боши 1-бетда)

Банкрот деб эътироф этилган корхоналар 65 тани, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг низом жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар 194 тани, бюджетга солиқлар ва мажбурият тўловларини ундириш тўғрисидаги ишлар сони 137 тани ва маблағи 5 миллиард 154 миллион сўмни, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармасликдан келиб чиққан низолар сони 775 тани, маблағи 6 миллиард 694 минг сўмни ташкил этди.

2002 йил мобайнида хўжалик суди томонидан кўрилган хўжалик ишлари бўйича бюджетга жами 131.894 минг сўм пул ундирилди. Йил давомида хўжалик судида фермер хўжаликлари иштирокида даъвогар сифатида 116 та, жавобгар сифатида 246 та хўжалик низоси кўриб ҳал этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, деҳқон ва фермерлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланмаяптилар, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари, кўплаб бузилаётганига қарамасдан, судларга камдан-кам ҳолларда ёрдам сўраб мурожаат этмоқдалар. Бунинг асосий сабаблари деҳқон ва фермер, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқий савиясининг етарли эмаслиги, хўжалик судлари ва уларнинг вазифалари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаганлиги, жойларда ҳуқуқий хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидадир.

Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган айрим хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслар томонидан шартнома интизомига риоя этмаслик, амалдаги қонун ҳужжатларини мунтазам ўрганиб бормаслиги оқибатида уларга нисбатан даъвогарлар томонидан асосли ва қонун талабларига монанд бир неча бор даъволар тақдим этилган. Жумладан, "Пилла" очиқ акциядорлик жамияти вилоят тизимининг туманлардаги жамиятларига жавобгар сифатида уларга нисбатан адлия бошқармаси, вилоят прокурори ва фермер ҳамда ширкат хўжаликлари томонидан хўжалик судига тегишли миқдордаги маблағни ундириш ҳақида 91 та даъво аризалар келиб тушган.

Бундан ташқари, хўжалик судига жавобгар сифатида "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан 5 та, "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги жамиятларига нисбатан 16 та, "Навоийтранс" давлат акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарга нисбатан 5 та даъво тақдим этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ва вилоятида хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан шартнома мажбуриятларининг қўпол равишда бузилишида сабабчи бўлган корхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилди. Масалан, шу асосида хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг 135 нафарига нисбатан чора кўрилди. Жумладан, қўзғатилган жиноий ишлар сони 5 тани, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ишлар 91 тани ва бундан ундирилган маблағ 569 минг сўмни, ундирилган мулкий зарар сони 17 тани ва маблағ миқдори 239 минг сўмни, интизомий чорага тортилганлар сони 22 тани ташкил қилди.

Вилоят хўжалик судининг 2002 йил 28 июнда қабул қилинган хусусий ажримига асосан Навбаҳор туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Оқ йўл" Хусусий автотранспорт воситалари эгалари уюшмаси раҳбари М. Қутлиевга нисбатан суднинг 5/312 ва 5/315-сонли хўжалик ишлари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини қасддан бажармасдан хусусий тадбиркор Саноқул Ҳусенов томонидан етказиб берилган 3500 минг сўмлик маҳсулотлар суммасини тўлашдан бош тортиб келганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 232-моддасига асосан жиноят иш қўзғатилди. Ушбу жиноят иши туман суди томонидан кўриб чиқилиб, М. Қутлиев айбдор деб топилди ва унга нисбатан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш жазоси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги "Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора- тадбирлар тўғрисида"-ги қарори ижроси борасида хўжалик суди фаолият кўрсатаётган "Суд қарорларининг ижросини назорат этиш бўйича доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳи" томонидан суд қарорларининг ижросини бажаришга тўсқинлик қилаётган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар белгиланиб, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш борасида ишлар олиб борилди. Умуман, вилоят хўжалик суди жамоаси одил судловни амалга ошириш, иқтисодий соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижро интизомини кучайтириш масаласига доимий равишда устувор аҳамият бериб келмоқда.

**Людмила АЛИЕВА,**
**Навоий вилояти хўжалик суди раиси.**

**Жаҳонгир Саъдуллаев 1994 йилда Тайлоқ туманида "Жалолхон" номли фермер хўжалигини тузди. Ўтган йилда у бир гектар картошкадан 1648000 сўм соф фойда олди. Бу йилги даромаднинг яна юқори бўлишини кўзлаётган фермер айни кунларда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида меҳнат қилаётир.**



**СУРАТДА: фермер Жаҳонгир Саъдуллаев.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## АВТОБУСГА НЕГА КЎЗ ТЕГДИ?

(Боши 1-бетда)

Натижада транспорт тизимининг сектори шу даражада ривожланиб кетдики, қисқа вақтда мамлакатимиз пойтахти билан автобуслар қатнови орқали боғланмаган бирорта ҳам шаҳар, туман маркази ёки қишлоқ қолмади. Жумладан, биргина Сурхондарё вилоятининг узоқ туманларига ҳар куни қирқ-элликта замонавий хусусий автобуслар қатнай бошлади. Қашқадарёнинг ҳар бир туманига эса ҳар куни бир нечталаб автобус жўнаб кетарди. Нархини сўрамай, кўнглингиздан чиқариб бераверасиз. Масалан, минг сўмга Чироқчига элтиб қўяди. Урганч билан Тошкент ўртасида ҳар куни йигирмадан ортиқ "Мерседес"лар қатнови йўлга қўйилди. Нархи уч минг сўмдан ошмади. Минг километрдан ортиқ масофага бу сув – текиндай гап. Қорақалпоғистоннинг биргина Тўрткўл туманига ҳар куни еттитагача автобус жўнайди. Йўлкира ҳақи икки ярим-уч минг сўм атрофида. Ҳайдовчиларнинг муомалалари ҳам ўзгарган. Улар йўловчиларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишади. Йўловчиларга мунтазир бўлиб турган турли-туман автомашиналарни кўриб кўзимиз қувонарди.

Мен сизга 2001 ва 2002 йиллардаги манзарани чизиб бердим. Назаримда, бу даврда автотранспортдаги ислоҳот ўзининг юксак чўққисига чиқиб, мамлакатда бу борада йўловчи ташишдек мураккаб муаммони ҳал қилди ва хусусий сектор рақобатда нафақат давлат секторидан, балки темир йўл транспортидан ҳам устун келди. Яъни, хусусий автобуслар ҳамда енгил машиналарнинг арзон ва қулай хизмати йўловчилар оқимини ўзига тортди. Йўловчилар саралаб ва савдолашиб, ҳатто шартлар қўйиб, ўзлари танлаган транспорт туридан – хусусий автобуслардан ҳамда енгил машиналардан фойдаланишни лозим топдилар. Фақат хусусий автотранспортнинг фаолиятини қонуний талаблар ҳамда қоидалар асосида мақсад сари йўналтириб туриш ва йўловчиларга кўрсатиладиган хизматни назорат қилиш зарур эди. Бу нарса, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июндаги Фармони мазмун-моҳиятида қайд қилинганди.

Ўтган йилнинг куз ойларигача бу борада диққатга сазовор ишлар қилинди. Мамлакатимизнинг ҳатто чекка қишлоқларига ҳам тадбиркорлар томонидан Германиядан сотиб олиб келинган янги "Мерседес"лар қатнай бошлади. Ўриндиғи юмшоқ, телевизор ўрнатилган, иккита ёки учта ҳайдовчи навбат билан бошқарадиган автобуслар хизматидан баҳраманд бўлган одамлар бу мустақиллик шарофати эканлигини ҳис этишди.

Ана шундай бир пайтда автотранспортнинг хусусий секторида эришилаётган ютуқларга "кўз тегди". Мана бир неча ойдирки, вилоятлардан келадиган ва вилоятларга жўнаб кетадиган хусусий автобуслар қаерда тўхтаб, қаерда йўловчи олишини ҳеч ким билмайди. Минглаб йўловчилар сарсон-саргардон. Мен сўраб-суриштириб автобуслар манзилгоҳини аниқлашга ҳаракат қилдим. Бир нечтасини Собир Раҳимов метро бекати атрофида, бир қанчасини Эркин қишлоғи кўчаларида, яна бир нечтасини Занги ота йўлидаги бекатлар ва очиқ жойларда учратдим. Фақат йўловчилар автобус излаб сарсон дейсизми? Ҳайдовчиларнинг ҳам йўловчи излаб кўзлари олазарак. Илгари ҳайдовчилар Тошкентга келгач, яна қайтиб кетишдан олдин бир неча соат мизғиб олишарди. Ҳозир эса уйқусиз кўзлари билан йўловчи "овлашади". Илгари йўловчи узоқ манзилга жўнаб кетишдан олдин овқатланиб, чой ичиб, совға-салом харид қилиш имкониятига эга эди. Ҳозир эса керакли автобусни топиб олишнинг ўзи катта муаммо. Айниқса, қариялар, ногиронлар, ёш болали аёллар учун бу мушкул иш. Хуллас, ўтган йилнинг ёзидаги қулайлик билан ҳозирги аҳвол ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Гўё автотранспортнинг хусусий секторидаги ютуқларга тўғри маънода кўз теккандай.

Энди йўлкира ҳақига келсак, бундан беш-олти ой олдинги кўрсаткич билан ҳозирги кўрсаткич ўртасидаги фарқдан ҳайратингиз ошади. Агар ўтган йили ёзда "Мерседес"лар сизни уч-тўрт минг сўмга Урганч, Хива, Хонқа, Тўрткўл ва Берунийга етказиб қўйган бўлса, ҳозир у ерларга етти-саккиз минг сўмсиз боролмайсиз. Ўтган йили ёзда ҳайдовчилар ялиниб-ёлвориб Қарши ёки Китобгача бир кишини минг-бир ярим минг сўмга олиб кетишарди. Ҳозир эса беш-олти минг сўм тўламасангиз кўчада қоласиз. Бошқа йўналишларда ҳам йўлкира ҳақининг ошишида аҳвол ана шундай. Хусусий автобуслар камайиб кетганлиги, борларига ҳам эмин-эркин ҳаракат қилиш учун имкон берилмаётганлиги ҳамда тўхташ жойи белгиланмаганлиги оқибатида юқорида биз тасвирлаган манзара юзага келди.

"Кўз теккан"идан кейин йўловчилар оқими давлат автобусларига оғиб кетгандир дерсиз. Йўқ, ундай бўлмади. Давлат секторида янги "Мерседес"у "Сетро"лардан кўра эски "Икарус"лар кўпроқ. Биринчидан, эски автобуслар узоқ манзилга етиб боргунча йўловчини толиқтириб қўяди ва кўп вақтни олади, иккинчидан, уларда телевизор, радио йўқ ва йўловчиларга хизмат кўрсатадиган алоҳида ходим белгиланмаган, учинчидан, автобуслар йўлдаги барча бекатларда тўхтаб, одам олишга мажбур – бу узоққа борадиган йўловчиларни зериктириб қўяди, тўртинчидан, ўзаро савдолашиб йўлкирани камроқ тўлашнинг иложи йўқ, чунки давлат секторида йўлкира ҳақи қатъий тартиб-қоида бўйича белгиланган. Кейинги беш-олти ойдан бери Президентнинг 2001 йил 4 июндаги Фармонида қайд қилинган муҳим вазифага, яъни хусусий автотранспорт воситаларида йўловчилар ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизмини жорий этишга ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг тенг шарт-шароитларини яратишга етарли аҳамият берилмаётганлиги оқибатида давлат сектори билан хусусий сектор ўртасида рақобат сусайди. Яъни, тенг шарт-шароит масаласида хусусий сектор ўгайлашиб қолди. Агар рақобат бўлмаса, бу соҳада тараққиёт бўлмайди. Ривожланиш бўлсагина халққа манфаат бўлади. Шунинг учун бу борада бой берилган имкониятлардан тегишли хулоса чиқариб, 2001 йилда ва 2002 йилнинг биринчи ярмида эришилган натижаларни қайтариш ва ютуқларни мустаҳкамлаб бориш зарур.

Гап умуман транспорт хизмати ҳақида борар экан, кези келганда шаҳар транспорти билан боғлиқ муҳим бир ҳақиқатни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йилнинг декабр ойида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкентда ҳам қиш қаттиқ келди. Деярли бир ой давом этган аёзли кунлар шаҳар транспортини ҳам ҳақиқий синовдан ўтказди. Қаттиқ совуқ, қалин қор, сирпанчиқ йўллар автобуслар йўналишларида машиналар сонининг кескин камайишига ва йўловчилар тирбандлигига олиб келди. Троллейбуслар қатнови ҳам сийраклашди. Енгил машиналар тойиб юролмай қолди. Қанчадан-қанча енгил машиналар тойиб ўз-ўзидан ағанаб кетганлигини кўрдик. Бироқ трамвай жуда яхши қатнади. Қаттиқ қиш, ноқулай об-ҳаво, қалин қор трамвайлар қатновига таъсир қилмади. Улар тонгги соат 5 дан тунги соат 12 гача йўловчиларга узлуксиз хизмат қилди. Назаримда, трамвай шаҳарда энг қулай транспорт воситаси сифатида яна бир марта синовдан муваффақиятли ўтди. Бекорга трамвайлар Европанинг энг йирик ва гўзал шаҳарлари кўркига-кўрк қўшиб тургани йўқ. Бекорга трамвай дунёда энг қулай, арзон ва экологик жиҳатдан зарарсиз шаҳар транспорт воситаси сифатида тан олинмаган. Бекорга трамвайи бор шаҳар замонавий шаҳар сифатида эътироф этилмаган. Ҳали ҳам қишлоқдагилар трамвайни кўриш ва трамвайда сайр қилиш учун шаҳарга келишади. Мен бу транспорт воситасига таъриф бераётганимнинг боиси бор. Афсуски, кейинги пайтда Тошкентда трамвайга ёт кўз билан қараш ҳолати кузатилмоқда. Турли баҳона-сабаблар билан ўнлаб километр трамвай излари йўқ қилинди. Эҳтимол қайсидир мансабдорга деразаси тагидан ўтадиган трамвайнинг товуши ёқмагандир. Эҳтимол кимларгадир трамвайсиз кўчанинг қиёфаси хуш ёқар. Эҳтимол бошқа нарса сабабдир. Нима бўлганда ҳам трамвайга ўгай муносабатни тўхтатиш керак. Ҳозир оддий халққа асосан метро билан трамвай асқотяпти. Улар баъзан автобуслар қатновида аниқ маром таъминланмай қолганида ҳам йўловчилар жонига оро киряпти.

Умуман, транспорт воситалари билан боғлиқ муаммолар жуда мураккаб. Уларнинг ечимини топиб, масалани тўғри ҳал қилиш учун аввало ҳар бир инсон ана шу транспорт воситаларидан фойдаланиб кўриши зарур. Фақатгина хизмат машиналаридан фойдаланадиган мансабдорлар жамоат транспорти муаммоларини ҳал қилишга холисона ёндоша олмайдилар. Мен фақат шаҳардаги транспорт воситаларинигина эмас, балки узоқ масофаларга қатнайдиган хусусий автобусларни назарда тутаяпман. Ҳаммасини ўзида синаб кўрган одам хулоса чиқаришда адашмайди.

**Иброҳим НОРМАТОВ**




## КОЛИН ПАУЭЛЛНИНГ МАЪРУЗАСИ

***АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Ироқ оммавий қирғин қуроллари борасида БМТ Хавфсизлик Кенгаши олдида қилган маърузаси 30 дақиқа давом этди.***



Маъруза вақтида Бағдоднинг БМТ резолюциясига амал қилмасдан оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқараётганлиги ва уларни инспекторлардан яшираётганлиги ҳақида сунъий йўлдош орқали олинган суратлар, аудиоёзувлар Кенгаш аъзоларига намойиш этилди. Пауэллнинг айтишича, бугун Ироқда 100 тоннадан 500 тоннага қадар кимёвий заҳарловчи воситалар ҳамда 16 минг дона ракета бор. Тўрт қисмдан иборат маърузада АҚШ вакили Бағдодни "Ал-Қоида" ташкилоти ва бир неча фаластин қуролли гуруҳлари, жумладан "ХАМАС", "Ислом жиҳоди"ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам айблади.

## ҚЎШИНЛАР СОНИ ОШМОҚДА

***Форс кўрфазига ўз қўшинларини жойлаштираётган Пентагон ташкилоти сўнгги бир ҳафта ичида аскарлар сони 26 мингдан 113 мингга етганлигини маълум қилди.***



Ҳозир кўрфазда самолётларнинг учиб қўнишлари учун хизмат қиладиган учта авианосец турган бўлса, яқин кунларда уларга "Теодор Рузвельт" номли аваиносец ҳам келиб қўшилади. Ироқ билан чегарадош бўлган Қувайтнинг ўзида Американинг 50 мингдан ошиқроқ аскари урушга шай турибди. Шунингдек, Туркияга 19 минг кишилик контингентдан иборат 4-пиёдалар дивизияси жойлаштирилиши режалаштирилмоқда.

## ФОЖИА САБАБИ НИМАДА?

***1 феврал куни ҳалокатга учраган "Колумбия" фазо кемасининг қолдиқларини қидириш ишлари давом этмоқда.***



NASA вакилининг билдиришича, ёқилғи бакидан ажралиб чиққан бўлакнинг чап қанотга бориб урилганлиги фожиага сабаб бўла олмайди ва айни пайтда махсус комиссия ҳалокатга қадар бўлган 32 сониялик вақтни диққат билан ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Техаслик 2 нафар фуқаро кема қолдиқларини ўғирлашда айбланиб, ҳибсга олинганлар ва уларга 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси берилиши ҳамда 250 минг АҚШ долларига қадар жарима солиниши мумкин. Улардан ташқари яна 15 киши кема қолдиқларини ўғирлашда айбланмоқдалар.

## КОТ-Д'ИВУАРДА ТИНЧЛИКПАРВАР КУЧЛАР

***БМТ Хавфсизлик Кенгаши Кот-д' Ивуарда юз бераётган ички низоларга барҳам бериш борасида мамлакатга тинчликпарвар кучлар жойлаштирилишига рухсат берди.***



Резолюцияга мувофиқ ўтган январ ойида Парижда Кот-д'Ивуар ҳукумати ва исёнчилар ўртасида имзоланган тинчлик битимининг тўлиқ жорий этилишини таъминлаш учун халқаро кучларга катта ваколат берилди. Жумладан, зарурат туғилса, тинч аҳолини ҳимоя қилиш учун тинчликпарвар кучлар қурол ишлатиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни вақтда ушбу давлатда 2,5 минг кишилик Франция армияси турибди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

Бундан ташқари, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури 5 ой давомида Кот-д'Ивуарга бериладиган инсонпарварлик ёрдами учун 6,6 миллион АҚШ доллари керак бўлишини билдирган.

**ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.**

# ТУРК НАЗМИДА ЧУ МЕН ТОРТИБ АЛАМ, АЙЛАДИМ УЛ МАМЛАКАТНИ ЯК ҚАЛАМ

# МАНБАШУНОСЛИКДА ҲАМ БЕНАЗИР ЭДИ

(Боши 1-бетда)

Охири умрида "Ҳамса"га татаббуъ бунёд қилди..." Шундан маълум бўладики, Котибий бир неча достонлар ва яна "Ҳамса" битган. Аммо унинг шеърлар тўпламлари халқ орасида кенгроқ шуҳрат топган.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний тўғрисида ёзар экан, Навоий унинг "Қасидаи Бурда"ни муҳаммас қилгани, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг "Манозилус-сойирин" асарига шарҳ ёзгани тўғрисида хабар беради.

Ҳофиз Шерозийни таърифлар экан, Навоий: "У ғайб тилини билувчи ва сирларни таржима қилувчидир. Ғайб сирларини ва ҳақиқатнинг маъносини сўз кийимининг гўзаллиги орқали ва мажоз (дунёвийлик) либосида кўрсатадир... Ҳофиз девонидан яхшироқ ҳеч бир девон йўқ..."

Шайх Авҳаддин номли шоир тўғрисида "Ва анга шеър девони бор... Ва "Жоми Жам" отлиғ маснавийси бор. Шайх Санойининг "Ҳадиқа"си услуб ва вазни била Ва Сийдур, етти дафтар тартиб топибтурки, "Туҳфатул аҳрор" ва "Силсилатуз заҳаб" ва "Юсуф ва Зулайҳо"ни "Ошиқ ва Маъшуқ"қа мавсумдур ва "Лайли ва Мажнун" ва "Хираднома Искандарий" ва"Сибҳат ул-аҳрор" ва "Саломон ва Абсол"дур.

Ва насрларидан "Тафсир"дур ва "Шавоҳидун нубувват"дур ва "Нафоҳотул унс" ва "Шаҳри "Фусус" ва "Ашиъатул ламаъот" ва "Лавоеҳ" ва "Лавомеъ" ва "Шаҳри рубоиёт"дур. Чун барчаси аларнинг "Куллиёти"да мастур ва мазкурдур".

Жомий тўғрисидаги бундай маълумот Навоийнинг "Мажолисун-нафоис" тазкирасида ҳам бор. Яна Навоий устози Жомийга бағишлаб махсус "Ҳамсатул мутаҳайийрин" китобчасини ёзган.

Мавлоно Ҳусайн Хоразмий тўғрисида сўзлаб Навоий бу кишининг "Мақсади ақсо" ("Сўнгги мақсад") номли асари борлиги; Жалолиддин Румийнинг маснавийсига шарҳ битгани, "Қасидаи Бурда"га Хоразмий ўзбек тилида шарҳ ёзганини билдиради. Яна бу кишининг "ўзга мусаннафоти" (асарлари) борлигини ҳам ёзади.

"Насоимул-муҳаббат" асарида Навоий турли даврлардаги мутафаккирлар ва шоирлар тўғрисида ҳикоя қилади. Шунда уларнинг қандай асарлар яратганликлари тўғрисида ҳам сўз юритади.

Низомий тўғрисидаги мақолада Навоий ёзади: "Аларнинг беш маснавийси, "Панж ганж"га машҳурдир...

"Искандарнома" тарихики, аларнинг китобларининг охиридур, беш юз тўқсон икки экандур".

Ва маснавийдан "Ҳафт авранг-нойнинг "Риоя" қасидасиға яхши жавоб ёзибдур", деб ёзади.

Навоий ўз дўсти, маслакдоши, устози ва пири Абдураҳмон Жомийни (1414-1492) жуда эъзозлар, барча эзгу ишларда бу улуғ шоир ва мутафаккирни ибрат, деб билар эди. Мутафаккир ўзининг айрим асарларида Жомий қаламига мансуб ижод намуналарини алоҳида қайд қилиб ўтади. "Насоимул-муҳаббат"да Навоий ўз устози Жомийга махсус мақола бағишлаган.

Бу мақолада ўқиймиз: "Назм ва наср таснифларидан элликка яқин борки, замон аҳли андин баҳраманддурлар. Назмларидан уч девондур. "Фотиҳа шабоб"қа машҳур; иккинчиси "Воситатул икд"қа маъруфдур ва учинчи "Хотиматул ҳаёт"қа мавсум...

Навоийнинг "Муҳокаматул-луғатайн" ("Икки тил тўғрисидаги муҳокама") асарида шоирнинг ўзи ёзган асарлар тўғрисидаги маълумоти мавжуд. "Муҳокаматул-луғатайн"да Навоий ўзининг қисқача автобиблиографиясини ҳам келтирган.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий асарларида библиографик маълумотлар кўп. Уларни замонавий библиографик услуб ва метод ёрдамида тадқиқ этиш, илмий истифодага киритиш ўзбек библиографиясининг галдаги вазифаларидандир.

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик.**

# СЎЗ ГАВҲАРИ

***Назм мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ғазаллари, рубоий ва қитъалари, пурҳикмат сўзларини ўқиб, завқланмаган, ҳаяжонланмаган китобхон бўлмаса керак.***

Улуғ бобомизнинг ижодида юксак даражали бадиий маҳорат ва инжа туйғуларга йўғрилган малоҳат, теран тафаккур ва ҳаётий ҳақиқат муштараклиги яққол сезилиб туради.



Маҳмуд Жўраев чизган расм.

Ҳазрат Навоий ўз асарларида сўзнинг улуғ неъмат эканлиги, унинг беқиёс куч-қудратга эгалигини бот-бот эслатиб ўтадилар. "Ҳайрат-ул аброр"да шундай сатрларни ўқиймиз:

**Сўз гуҳарига эрур анча шараф,**
**Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.**

Яъни, сўз шундай бебаҳо гавҳарки, ҳақиқий гавҳарнинг ўзи ҳам унга ҳатто садаф бўлишга нолойиқ. Шу боис ундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланмоқ жоиздир. Ҳазрат яна бир рубоийларида сўзни қуйидагича улуғлайдилар:

**Сўздурки нишона берур ўлукка жондин,**
**Сўздурки берур жонға хабар жонондин.**
**Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин,**
**Балки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.**

Бетакрор мисралар замиридаги теран маънони илғашга ҳаракат қиламиз: сўз ўликка жон бахш этиш қудратига эга. Сўз борки, жон ўз жононаси ҳолидан хабардор бўла олади. Инсон сўзлаш қобилияти билан ҳайвондан фарқланиб туради. Бас, шундай экан, дунёда ундан ҳам шарафлироқ гавҳар бўлиши мумкин ҳам эмас.

Тўғри, сўзнинг ҳаётда ўз ўрни борлигига шак-шубҳа йўқ. Бироқ сўзга илоҳий қудрат, гўзаллик бахш этгувчи шубҳасиз инсондир. Шоир яна бир рубоийсида сўзнинг сеҳр-жозибаси эмас, сўзлагувчининг бурчи вазифалари ҳақида фикр юритади.

**...Яхши сўз ила улусға марғуб ўлғил**
**Юмшоқ де ҳадисингни-ю маҳбуб ўлғил.**

Сўз мулкининг заршуноси инсонларни яхши сўз билан эл-улус эътиборини қозонишга, мулойим сўзлаб, севимли бўлишга чақиради.

Сўзнинг латофати унинг ҳақиқатга яқинлигида, лўнда, қисқалигида эканини Навоий ҳазратлари ўзгача алфозда эътироф этган. "Маҳбубул-қулуб"да ўқиймиз: чин сўз - мўътабар, яхши сўз мухтасар. Бинобарин, сўзнинг азиз ва мўътабарлиги унинг ростлигида, яхшилиги эса қисқалигидадир.

Алишер Навоий асарларини варақлар эканмиз, ҳар бир сўз ўз ўрнини топгани, биронта гап ҳам ўринсиз ишлатилмаганини кўрамиз. Зеро, бобокалонимизнинг ўзи:

**Бир деганни ики демоқ хуш эмас**
**Сўз чу такрор топди дилкаш эмас,**

деганларида минг бора ҳақ эди. Зеро, мутафаккир шоир ижодининг бир қирраси ҳам сўз гўзаллигини, куч-қудратини, жисмини теран англай билишга бориб тақалади.

**Маҳбуба ЭРМАТОВА,**
**С.Сирожиддинов номли академик лицей талабаси.**

Алишер Навоий

# ҒАЗАЛЛАР

**Кўргали ҳуснунгни зори мубтало бўлдум санго,**
**Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.**

**Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,**
**Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдум санго.**

**Мен қачон дедим: "Вафо қилғил, манга", зулм айладинг,**
**Сен қачон дединг: "Фидо бўлғил манго", бўлдум санго.**

**Қай пари пайкарға дерсан телба бўлдунг бе сифат,**
**Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.**

**Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,**
**Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.**

**Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,**
**То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.**

* * *

**Онча даврон бирла кўрдум аҳл даврондин жафо,**
**Ким кўзимга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.**

**Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар**
**Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.**

**Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам бир тараф, ул бир тараф,**
**Ким етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.**

**Сайддекким чаркада юзланса, ҳар ён келгай-ўқ,**
**Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.**

**Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ, не ажаб,**
**Чун кўрар ушбу сияҳ рўзи паришондин жафо.**

**Англа жононким, жафо, қилмоққа топкунг йўқ киши,**
**Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.**

**Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,**
**Ул худ ортукроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.**

**Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима,**
**Еткурар ҳар дам яна бир номусулмондин жафо.**

**Эй Навоий, борғали жонон сари жоним етар,**
**Жонға жонондин жафо, мен хастага жондин жафо.**

* * *

**Сени кўргач дер эдим, бир меҳрибоним бор эмиш,**
**Оллоҳ-оллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиш.**

**Оразинг моҳияту оғзинг сўзин шарҳ айларам,**
**Ваҳ, не табъи поку зеҳни хурдадоним бор эмиш.**

**Чок қил кўксумни, эй бадмеҳр, токим билгасен,**
**Тиғи ҳажрингдин не навъ озурда жоним бор эмиш.**

**Не ҳаёт эрди ўлар ҳолимдаким кўргач мени,**
**Ноз ила деди: ҳануз ул нотавоним бор эмиш.**

**Жавҳари ишқин олурға халқ махфий накдидек,**
**Жон ичинда бир неча доғи ниҳоним бор эмиш.**

**Юз ғамим бор эрди муғ кўйига киргач бўлди дафъ,**
**Ваҳки, мен ғофил ажаб дорул-амоним бор эмиш.**

**Дерки ёлқибмен Навоий унидин, ваҳ, яхшидур,**
**Ким тирикликдин нишондек бир фиғоним бор эмиш.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

***Аввал хабар қилганимиздек, БААнинг Абу-Даби шаҳридаги "Ҳарбий офицерлар клуби"да мазкур мамлакатда ёшлар ўртасида 25 мартдан 6 апрелгача ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***



Маълумки, ушбу нуфузли мусобақада Виктор Борисов мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси "В" гуруҳида Мали, Аргентина ва Испания ёшларига қарши майдонга тушади. Ҳамюртларимизга муваффақият тилаган ҳолда, эътиборингизга "В" гуруҳида ўтадиган ўйинлар жадвалини ҳавола қиламиз.

**"В" ГУРУҲИ**
**Аргентина, Испания, Ўзбекистон, Мали**
**26 март**
**Ўзбекистон – Мали**
**Аргентина – Испания**
**29 март**
**Испания – Мали**
**Ўзбекистон – Аргентина**
**1 апрел**
**Ўзбекистон – Испания**
**Аргентина – Мали**

## ДАСТЛАБКИ БРОНЗА МЕДАЛИ

***Япониянинг Амори шаҳрида 1 фералдан давом этаётган V қишки Осиё ўйинлари қизғин паллада.***

Ушбу нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари орасида фигурали учиш бўйича саралаш баҳсларида Артём Князов – Марина Аганина жуфтлигига омад кулиб боқди. Ҳамюртларимиз қисқа мажбурий дастурда учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамизга дастлабки бронза медалини армуғон этишди. Аммо якка тартибдаги баҳсларда иштирок этган яна бир ҳамюртимиз Анастасия Гимяззиддинова 7-ўрин билан, тоғ чанғиси мусобақасида ҳаракат қилган Қайрат Эрметов 19-ўрин билан кифояланишди.

## БУГУН МУСОБАҚА БОШЛАНАДИ

***Катта теннисга алоҳида эътибор қаратилаётган мамлакатимизда бугун Дэвис кубоги мусобақаси бошланади.***

Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида уч кун давом этадиган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси Индонезия терма жамоасига қарши кураш олиб боради. Унда Олег Огородов, Вадим Куценко каби моҳир теннисчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

## МАДРИДДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

***Испаниянинг Мадрид шаҳрида "Реал" клуби ўйинчилари Роналдо, Луиш Фигу ҳамда Роберто Карлослар болажонларга футбол сирларидан сабоқ беришди.***



Футбол оламида ёрқин юлдузларга айланган бу спортчилар 20 мингга яқин томошабинлар олдида ёш авлодга яшил майдонда қандай ҳаракат қилиш кераклиги, бу борадаги ўзига хос услубларни, сирларни ўргатдилар. Сўнг бу уччала қаҳрамон "учга уч" мини-турнирида иштирок этдилар ва Роберто Карлос жамоаси ғолиб чиқди. Шу тариқа Мадридда ёшлар учун ташкил этилган футбол байрами ниҳоясига етди.

## РИНГ ҚИРОЛЛАРИ ҚАЕРДА УЧРАШАДИЛАР?

***2002 йили америкалик Майк Тайсонни 8-раундда рингдан бош эгиб чиқишга мажбур қилган британиялик Леннокс Льюис катта спортдан фахрий сифатида кетишни ният қилган эди.***



Бунинг учун эса у украиналик ака-ука боксчилар Виталий ва Владимир Кличколар ҳамда Тайсон билан учрашув ўтказиши мумкинлиги ҳақида хабарлар ҳам тарқалган эди. "Рейтер" агентлигининг билдиришича, Тайсон ва Льюис ўртасидаги такрорий учрашув шу йил июн ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Лекин бунинг учун манзил танлаш масаласида бирор тўхтамга келингани йўқ. Куни кеча эса Жанубий африкалик промоутер Родни Берман бу учрашувни ўз мамлакатида ташкил этишга ҳаракат қилаётганлигини айтган. Негаки, Жанубий африкалик бокс ишқибозлари Тайсонни жуда ардоқлашади. Африкалик ушбу промоутер фаолиятига назар ташласак, у 2001 йил ўз мамлакатида Хассим Раҳмон ва Леннокс Льюис жангининг ўтказилишига муносиб ҳисса қўшган ва ўшанда Раҳмон ғалаба қозонган эди.

## ДЕЛ ПЬЕРОНИНГ ЖАРОҲАТИ

***"Ювентус" клуби ҳужумчиси Алессандро Дел Пьеро Италия миллий чемпионати доирасида 1:1 ҳисобида якун топган "Ювентус" – "Аталанта" учрашувида оёғидан жароҳат олди.***



Шифокорларнинг билдиришича, яқин кунларда ультратовуш ёрдамида ўтказиладиган текшириш орқали унинг қанча муддатдан сўнг яшил майдонга қайтиши аниқ бўлади. Тахминларга кўра, тиббий муолажалар 2 ойга чўзилиши мумкин. Дел Пьеро бугунга қадар "Ювентус" сафида 19 марта майдонга тушган ва 12 бор рақиблар дарвозасига гол уришга муваффақ бўлган. Клубнинг ўзи эса миллий чемпионатда 19 та учрашув ўтказиб, 39 очко жамғаришга муваффақ бўлган ва учинчи ўринни банд этган.

## АТР: САФИН 7-ЎРИНДА

***АТР таснифи бўйича 52 ҳафталик рейтинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, биринчи кучли тўртликда ўзгариш бўлмаган.***



Яъни, австралиялик Ллейтон Хьюиттдан сўнг иккинчи ўринни америкалик Андре Агасси эгаллаган. Учинчи, тўртинчи ўринлар эса испаниялик Ферреро ҳамда Мойяларга насиб этган. Фақат британиялик Роддик бешинчи ўринни швейцариялик Федерерга бўшатиб, ўзи олтинчи ўринга тушган. Россия теннисчилари етакчиси бўлган Марат Сафин эса еттинчи ўринни банд этган.

## АРГЕНТИНАЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

***"Спорт-экспресс"нинг хабар беришича, футбол бўйича Мексика ва Аргентина терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви аргентиналиклар фойдасига ҳал бўлди.***



Мануэл Лаволп раҳбарлигида майдонга тушган мексикаликлардан омад юз ўгирди. Муросасиз баҳслар остида кечган ўйиннинг 14-дақиқасида Гонсало Родригас ҳисобни очди ва 0:1 ҳисоби учрашув охиригача сақланиб қолди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ТОҒ ҚИЗИ

НОВЕЛЛА

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

***Редьярд КИПЛИНГ (Англия)***

***У тоғлик эр-хотин Соно ва Жаделарнинг қизи эди. Бир йили деҳқончиликда уларнинг омади келмади, Котгар яқинида Сатле водийсида экилган оз миқдордаги экинларни ҳам айиқлар пайҳон қилиб кетишди.***

Тоғлик эр-хотин бундай талафотни ўз худоларининг марҳаматсизлигига йўйишдими, бошқа сабабданми ўша йили қишда улар масиҳийлик динини қабул қилишди ва қизларини Котгарга, насронийлар қишлоғига чўқинтиргани олиб боришди. Котгар роҳиби қизга насронийча Элизабет исмини берди. Қабиладагилар эса қизчани Лисбет дея талаффуз этиб чақира бошладилар.

Кўп ўтмай Котгар водийсига вабо тарқалди. Машъум ўлат Соно ва Жаделарни олиб кетди. Қизча эса руҳонийнинг қарамоғида қолди. Котгар роҳибининг аёли уни ўзига хизматкор, жория қилиб олганди. Лисбет руҳоний хонадонида шу тариқа улғая бошлади.

Ўз қабиласининг маъбудлари қизни аввалдан сийлашганмиди ёхуд насронийлик унинг чиройини очдими, у ҳақиқий соҳибжамол бўлиб бораётганди. У ҳар куни сайр қилгани чиқар, шунчаки атрофнинг гўзаллигидан баҳра олиш учун эллик мил чамаси йўл босарди. Унинг юзларидек жозибадор чеҳрани одатда фақат сувратларда, камдан-кам ҳолларда ҳаётда учратиш мумкин эди. Қизнинг бутун вужуди фил суягидек оппоқ рангда эди. У ўз қабиладошларига қараганда анча баланд бўйли, кўзлари эса ҳайратланарли даражада чиройли эди. Агар сиз уни тоғ қўйнида танҳо учратиб қолсангиз маъбуда Диананинг ўзи ов қилгани чиқибдимикин, деган ҳаёлга борардингиз.

Лисбет насронийлик эътиқодига осонгина кўникди. У бошқа қизларга ўхшаб улғайиб,эсини танигач ўз динига ўтиб кетмади. Қабиладошлари шунинг учун ҳам уни жуда ёмон кўришарди.

Бу пайтда роҳибнинг хотини қиз билан қандай муомала қилишини билмай қолганди. Ахир бундай хушсурат, бокира фариштага идиш – товоқ ювишни буюришга ким ҳам ботина оларди. Шунинг учун ҳам Лисбет роҳибнинг болалари билан эмин-эркин ўйнаб юрар, якшанбалик мактабга қатнар, уйда қанақа китоб бўлмасин барчасини қизиқиш билан ўқиб чиқарди. У кундан-кунга эртакдаги маликалардай гўзаллашиб борарди. Роҳибнинг хотини қизни Симлага юбориб, унга муносиброқ иш топиб бериш ҳақида кўп гапирарди. Лисбет ўзига бошқа жой қидиришни хаёлига ҳам келтирмасди. У Котгардан кетишни умуман истамасди.

Бир сафар Котгарга сайёҳлар келишди. Улар бу томонларга камдан-кам ташриф буюришарди. Лисбет эса, улар мени Симлага ёки шунга ўхшаган нотаниш томонларга олиб кетиб қолишади, деб ўйлаган, шу боис хонасидан ташқари чиқишга ҳам қўрқиб қолганди.

Ўшанда у ўн етти ёш бўсағасида эди. Кунларнинг бирида сайр қилгани тоққа жўнади. Қиз ярим мил пиёда юриб ортига фойтунда қайтадиган инглиз хонимларига ўхшамасди албатта.

У ўзининг "қисқагина" саёҳати давомида Котгар атрофини тўлиқ айланиб чиқар, 20-30 мил атрофида йўл босар, ҳатто, Наркундагача бориб келарди. Қиз бу сафар қоронғу тушмасдан қишлоққа қайтди, у ўзи билан қандайдир оғир юкни орқалаб келарди. Нафаси оғзига тиқилиб, юкнинг оғирлигидан бурни ерга теккудек ҳолатда уйига кириб келганда, роҳибнинг хотини меҳмонхонада ухлаб ётарди. Қиз елкасидаги "юк"ни диван устига қўяркан, очиқчасига гап бошлади:

- Бу менинг эрим. Мен уни Багига борадиган йўлдан топиб олдим. У қоядан қулаб тушганга ўхшайди. Биз уни даволаймиз. У тузалиб кетса, роҳиб бизни никоҳлаб қўяди.

Шу пайтга қадар Лисбетни бундай вазиятда кўрмаган роҳибнинг хотини бирдан даҳшатга тушди. Бироқ, ҳозир биринчи навбатда диван устида беҳуш ётган йигит ҳақида ўйлаш лозим эди. Бошидан оғир жароҳат олган ёшгина инглиз йигити ҳамон диван устида ҳушсиз ётар, билинар-билинмас нафас оларди, холос.

Уни тўшакка ётқизишди. Тиб илмидан озмоз хабардор роҳиб, йигитнинг ярасига малҳам қўйиб боғлади. Лисбет эса эшик олдида ҳар қандай топшириққа шай бўлиб турарди. Қиз роҳибга ҳам ўз қарорини билдирди. Роҳиб ҳам, хотини ҳам қизни намойишкорона андишасизликда айблашди. Уни инсофга чақирмоқчи бўлишди. Лисбет эса уларни жимгина тинглаб бояги гапини такрорлади. У тушунмасди: ахир қандай қилиб кўнглингдагидек йигитни учратганингда ҳам у ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай юраверишинг мумкин! Шу сабабли у аҳдида қатъий туриб олди. Йигит оёққа тургач, у билан турмуш қуради.

Қиз йигитнинг оёққа туриши, уйланадиган даражада куч - қувват йиғиши учун ҳар қандай ишга тайёр турарди.

Икки ҳафтада йиғитнинг бошидаги жароҳатлар битиб кетди. У бундай меҳрибонлик учун роҳибга, унинг хотинига ҳаммадан кўпроқ Лисбетга миннатдорчилик билдирди. У Шарққа (ўша пайтларда бу томонларга саёҳат қилиш у қадар оммавий тус олмаганди) саёҳат қилиш мақсадида келганини, у Дера-Дундан Симла тоғларига турли-хил гиёҳлар ва капалаклар йиғиш учун келганини айтди. Шу сабабли Симлада уни ҳеч ким танимас экан. Унинг фикрича, тоғда баланд қояда ўсган аллақандай гиёҳни узмоқчи бўлиб чиққанда мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушибди. У соғайиб кетиши билан Симлага қайтишини айтди. Энди тоғлар уни бошқа ўзига мафтун этмасди.

**(Давоми келгуси сонда)**


# JOB ANNOUNCEMENT

**European based Company is seeking for dynamic, motivated and experienced candidate for the position of a TECHNICAL MANAGER for Central Asian countries. Candidates / applicants should:**

- ***Have a high degree of education in Agronomy / Plant Protection***
- ***Have minimum three years of relevant professional experience***
- ***Have good command of written and spoken English, Uzbek and Russian languages***
- ***Be ready to travel in Uzbekistan, Tajikistan, Turkmenistan, Azerbaijan and Georgia***
- ***Have computer literacy***
- ***Have a valid driving license***

**Candidates should submit their CV in English not later than March 15,2003 to the fax # 371.1694310 or e-mail ucctash@online.ru**
**Tel. for references: 371.1693890**
**All applications will be held as strictly confidential**


Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1994 йилда Рустам Халикович Абдурахманов номига берилган 020316 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


***КУНГАБОҚАР УРУҒИ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!***



*"Харьковский-7" навли элита кунгабоқар уруғи чекланмаган миқдорда сотилади.*

***Мурожаат учун телефонлар:***
***8 (371) - 132-14-46, 132-14-47***



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-023, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00
Адади - 18.236 нусха

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6